

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қачон бир банда ихлос билан «Лаа илааҳа иллаллоҳ»ни айтса, албатта, бунга (унинг айтган сўзига) токи Аршга етиб боргунча осмон эшиклари очилур, модомики гуноҳи кабиралардан четланилган бўлса», дедилар».

Бундан зокир зикрнинг фойдасидан баҳраманд бўлиши учун гуноҳи кабираларни қилмаган бўлиши кераклиги келиб чиқади. Ана шунда унинг зикри Аршгача етиб боради ва дуолари ҳам қабул бўлади.

Бу ҳадиси шарифда «Лаа илааҳа иллаллоҳ»нинг фазли қанчалар улуғ экани баён қилинмоқда.

«Лаа илааҳа иллаллоҳ» калимаси Аллоҳдан ўзга барча нарсадан илоҳлик – ибодатга сазоворликни манфий қилади.

«Лаа илааҳа иллаллоҳ» калимаси илоҳлик, яъни ибодатга сазоворликни фақат Аллоҳ таолонинг Ўзига исбот қилади.

«Лаа илааҳа иллаллоҳ» тавҳид калимаси, калимаи тоййиба ва ихлос калимаси ҳам дейилади.

Уламолар «Лаа илааҳа иллаллоҳ»ни қисқача қилиб «таҳлил» деб атайдилар. Китобларда «Таҳлил айтди» деган ибора келса, «Лаа илааҳа иллаллоҳ»ни айтди, деб англаш лозим.

«Лаа илааҳа иллаллоҳ» калимаси барча пайғамбарларга юборилган динларнинг хулосасидир.

«Лаа илааҳа иллаллоҳ»ни айтмагунча уни айтишга қодир бўлган кишининг иймони дуруст бўлмайди.

«Лаа илааҳа иллаллоҳ»ни айтиб, шаҳодат келтирган ва Муҳаммад алайҳиссаломнинг пайғамбарликларини тасдиқлаган одам мусулмон бўлади.

«Лаа илааҳа иллаллоҳ» иймоннинг олий шуъбасидир.

«Лаа илааҳа иллаллоҳ» азон ва иқоманинг жузи, яъни бир қисмидир.

«Лаа илааҳа иллаллоҳ» энг афзал зикрдир.

«Лаа илааха иллаллоҳ»ни ҳар замон ва ҳар жойда айтиб туриш мустаҳабдир.

Каъбаи муаззаманинг таги ва деворларининг одам бўйидан баландроқ жойигача мрамор билан қопланган. Деворларнинг қолган қисми ва шифти «Лаа илааха иллаллоҳу» деб ёзилган яшил рангдаги қимош — мато билан қопланган.

Бир марта «Лаа илааха иллаллоҳ» деб таҳлийл айтиш ҳам садақадир.

«Лаа илааха иллаллоҳу»ни кўп зикр қилиш барча зикр мактабларининг асосий йўналишидир.

Ким Аллоҳ таолони махсус лафз ила зикр қилишни истаса, «Лаа илааха иллаллоҳ»ни кўпроқ айтсин. Ўшанда энг афзал зикрни қилган бўлади, яъни одам боласи айтиши мумкин бўлган энг афзал лафзни айтган бўлади.

سَانِلَا دَغَسَا نَمَهَلَلَا لُوسَرَايَ؛ لِقَا هُنَا هُنَا هَلَلَا يَضَرَّ رِيْرُهُ يَا بَأَنْعَ
مَلَسَوِي لَعُ هَلَلَا لَصَهَلَلَا لُوسَرَا لِقَا؟ مَمَايَقُلَا مَوِي كَتَعَفَشَب
أَمَل كُنْمُ لَوَا دَحَا ثِي دَحَلَا أَدَهْ نَع يِنُنْ لَأَسَايَ أَلَا رِيْرُهُ أَبَايَ تَنْ نَطْ دَقَل
نَمَمَمَايَقُلَا مَوِي يَتَعَفَشَب سَانِلَا دَغَسَا؛ ثِي دَحَلَا لَع كَصْرَحْ نَمُ تِيْ أَر
يِرَاخُ بَلَا هَاوَرِي سَفَنُ وَأَوْبَلَقْ نَمُ أَصَلَاخُ هَلَلَا لَهَلَا لِقَا

Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«У киши:

«Эй Аллоҳнинг Расули, қиёмат куни сизнинг шафоатингиздан энг саодатманд бўладиган ким?» деган экан. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Эй Абу Хурайра, сенинг ҳадисга ўта қизиқишингдан шу гапни сендан олдин ҳеч ким сўрамаслигини билган эдим. Қиёмат куни менинг шафоатимдан энг саодатманд бўладиган кимса «Лаа илааха иллаллоҳ»ни чин қалбдан (ёки нафсидан) ихлос билан айтган одамдир», дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

Абу Хурайра розияллоҳу анху ана шундай саволларидан бирида:

«Эй Аллоҳнинг Расули, қиёмат куни сизнинг шафоатингиздан энг саодатманд бўлдиган ким?» яъни, қиёмат куни сизнинг

шафоатингиздан энг кўп насибага ҳиссадор бўладиган ким, деб сўраган эканлар.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Эй Абу Ҳурайра, сенинг ҳадисга ўта қизиқишингдан шу гапни сендан олдин ҳеч ким сўрамаслигини билган эдим», дебдилар.Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз гапларининг давомида:

«Қиёмат куни менинг шафоатимдан энг саодатманд бўладиган кимса «Лаа илааҳа иллаллоҳ»ни чин қалбдан (ёки нафсидан) ихлос билан айтган одамдир», дедилар.

Бу ерда ҳам ихлосга алоҳида эътибор берилмоқда. Ихлос Аллоҳни кўриб тургандек ибодат қилиш эди.

Демак, калимаи тавҳидни Аллоҳни кўриб тургандек ҳис билан, чин қалбдан айтиш қиёмат куни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шафоатларидан энг кўп баҳраманд бўлишга олиб келар экан.

Аввало, чин қалбдан ихлос билан айтиш шартлигию ихлос билан айтиш амалсиз бўлмаслигини унутмаслигимиз лозим.

Иккинчидан, «Лаа илааҳа иллаллоҳ» дейишдан мақсад, фақат шу иборани айтишдангина иборат эмас. Чунки ҳатто муржиаларнинг ўзлари ҳам «Лаа илааҳа иллаллоҳ»га «Муҳаммадур Расулуллоҳ»ни қўшиб айтмаса бўлмаслигини, бошқа иймон келтириш лозим бўлган нарсаларга иймон келтирмаса бўлмаслигини яхши биладилар.

Демак, «Лаа илааҳа иллаллоҳ»ни айтишдан мурод, Аҳли сунна ва жамоа қабул қилганидек, калимаи тавҳидни айтиб, унинг тақозоси бўйича иш тутишдир.

مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلِ الْيَصْرِيِّ بَلَّيْنَا نَعُ، نَعْنَعُ لَلِضَرِّ لَبَجْ نَبِ ذَاغُمْ نَع
دُوَادُ وَبَأْ هَاوَر. نَعْنَعُ لَلِخَدُّ لَلِأَلِ الْهَلِ الْوَمِ الْكُ رَخْ آ نَا كُ نَمَ : لَاق
هُ حَحَّ صَوُّ مَكَا خَلَاوِي ذِمَّرْتَلَاو

Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Кимнинг охирги каломи «Лаа илааҳа иллаллоҳу» бўлса, жаннатга киради», дедилар».

Абу Довуд, Термизий ва Ҳоким ривоят қилганлар ва Ҳоким саҳиҳ, деган.

Аллоҳ таоло барчаларимизни ана шундай чиройли ўлим топган, бахтли бандалари қаторида қилсин.

“Ҳадис ва ҳаёт” ҳамда “Нақшбандия: вазифалар, зикрлар” китоблари асосида тайёрланди